



«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН – ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

Shu aziz Vatan — barchamizniki!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Мустақиллик —
энг улуг,
энг азиз
байрам!

• 2009-йил • 23-йун • Seshanba • 74 (30.035) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мустақиллик биз учун энг улуг, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустақам ўрин эгалламоқда.

Шу сабабли ҳам халқимиз, жамоатчилигимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар бир санасини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради.

Бу борада шаклланган ижобий анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, истиқлол йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан кўлга киритилган улкан натижаларнинг моҳияти ва аҳамиятини, кадр-қимматини чуқур англаш, мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин ўн қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 30 июнига қадар «Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида муҳасам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин: Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш, тарихан қисқа бу даврнинг ёш давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб беришга хизмат қиладиган комплекс маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечирish учун кенг имконият яратиб берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустақам замини бўлиб қалаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-маъмунига чуқур сингдириш;

мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бектор меросимиз, муқаддас дини диёнати-миз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб қадриятлар, миллий ва умумшаарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдирини ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаёти-миздан атрофлича ўрин олаётганини кенг тарғиб этиш;

халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида кенг кўламли ислохотлар изчил давом эттирилаётгани, жаҳон молиявий инқирози оқибатларига қарамай, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб қолаётганини, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини ҳар томонлама очиб бериш;

мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар

ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилгани ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бораётгани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн саккиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу режа ва дастурларда белгиланган тадбирларни расмийлаштириш ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтардиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашда оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балет-мейстерлар, сахна rassomлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекнаво» Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, ҳўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 19 июнь

Бугун мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳри ўзининг қутлуг тўйига қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Унинг қай гўшасида бўлманг, кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Шаҳар кун сайин чирой очмоқда, янада обод ва кўркем бўлиб, яшнаб, яшариб бормоқда.

Бу ўзгариш ва гўзаллик, хушнудлик нафақат шаҳар қиёфасида, балки одамлар гап-сўзлари, қалбида ҳам яққол сезилиб турибди.

Бу ҳуқуқ ва имкониятлар, эркинлик ва фаровонликларнинг барча-барчаси МУСТАҚИЛЛИК туфайлидир, дейишмоқда улар.

Бугундан бошлаб пойтахтимиз туманларида байрамга тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилиб борамиз.



МИРОБОД ВА МИРОБОДЛИКЛАР

Миробод — пойтахтнинг энг йирик туманларидан бири. Худуди — 17,13 квадрат километр. Аҳолиси — 122,2 минг киши.

Темир йўл транспорти билан пойтахтга келган мезмон Шимолий вокзалда поезддан тушиб, Миробод тумани худудига қадам қўяди. Кўркем вокзал биноси жойлашган йўлнинг шундоқ нариги бетида шаҳар

гербини кўришингиз мумкин. Мустақиллик йиллари ўрнатилган бу герб шу туман худудига жойлашган Тошкент куранти каби пойтахт рамзига айлиниб улгурган.

Энди марҳамат, туманнинг бир-биридан сўлим, озода кўча ва маҳаллаларини томоша қилинг. Азим пойтахт юбилейи муносабати билан туман худудининг ҳар бир гўшасида қайқоқ қурилиш, ободонлаштириш ишлари қизгин бормоқда. Қуриш режа-лаштирилган 93 та, таъмирланиши белгиланган 375 объектнинг кўпчилигида ишлар ниҳоясига етди.

Туманда «Узэлектрроаппарат — Электрошит» кўшма корхонаси, «SILVER SILK FARGONA» маъсулятии чекланган жамияти, «Нобель — Фарисаноат» корхонаси, «Huawei Tech investment Tashkent» хусусий

корхонаси, «Шарқ» наشريёт матбаа акционерлик жамияти каби нафақат пойтахт, балки республика микёсида аҳамиятга эга бўлган корхоналар бор.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,1 фоизга ошди. Экспорт кўрсаткичи эса 253312,7 долларни ташкил этди.

Туманда 30 та мактабгача тарбия муассасаси, 17 та умумтаълим мактаби, 7 та касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей фаолият кўрсатаяпти. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Фармацевтика институти, Автомобиль ва йўллар институти, Темир йўл муҳандислари институти каби етти та олий ўқув даргоҳини ҳар йили мамлакатимиз халқ

ҳўжалиги учун зарур бўлган юзлаб мутахассислар битириб чиқади.

Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри, Рус академик драма театри, Фуркат номидаги маданият ва истироҳат боғи, учта маданият уйи ва саройи, учта мусиқа ва санъат мактаби, ўнлаб спорт заллари аҳоли хизматида.

Мирободликлар сейсмолог олим, академик Турсун Рашидов, кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, таниқли кизикчи Мирза Холмедов сингари ўнлаб машхур кишилари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

(Давоми 2 ва 3-бетларда)

Фракция фаолияти

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

турли ноқонуний фаолиятни чеклайди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси мажлиси бўлди. Унда дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар

киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Нурдинжон Исмоиловнинг маърузаси тингланди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг те-

гишли моддаларига электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш учун жиноий жавобгарлики белгилаш; Жиноят кодексининг 185-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари диспозицияларини биринчи қисмининг диспозицияси тахририда, бу қилмишлар учун шахснинг

маъмурий жавобгарлигини назарда тутувчи нормани чиқарган ҳолда баён қилиш;

(Давоми 2-бетда)



МИРОБОДЛИКЛАР

лаб чиқариш ва иш ўринларини қисқартиришга, бойла-ри эса кўпгина кўчмас мулк ва кўнгилхушликларидан воз кечишга мажбур бўляпти. Сизларда эса юқалиш ва ривожланиш давом этапти, ҳатто мана бундай машваратлар ўтказиб, меҳмон чорлашга вақт, маблаг ва хоҳиш топаётган экансизлар, бунинг омили нимада?

— Бу саволдан ҳар галгидек кўнглим гурурга тўлди, — дейди қаҳрамонимиз.

Нима деб жавоб қайтарибди, — деб сўрасангиз-чи? Хеч нима демабди.

Фақат ижодхонаси тўридаги жавондаги Президентимиз асарлари орасидан «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф эттиришнинг йўллари ва чоралари» рисо-ласидан бир нечтасини олиб-ди-да, меҳмонларга битта-биттадан совға қилибди.

МИНГҮРИК ЯНА МИНГ ЙИЛ ЯШАЙДИ

Туман ҳудудида қадимий Мингүрик қалъасининг қолдиқлари ҳамон сақланган. 2200 йиллик тарихга эга Шостепадан кейинроқ қурилган ушбу қалъа вайроналари XIX аср охиридаги шаҳар қурилиши хари-тасига кўра 30-35 гек-тарни ташкил этган.

Эрамининг VII-VIII асрларида Мингүрик кенгайиб, гуллаб-яшнаб, Чочнинг пойтахти макомига эга бўлади. 713 йилдан бошлаб, араб истилочиларининг тақрор-тақрор ҳужумла-ридан шаҳар вайрон бўла бошлади. Араб тарих-чиси ат-Таборнинг ёзишича, қалъа ёндириб юборилган. Ийларнинг, одамларнинг ва табиатнинг не-не ўйинларини кўрган ушбу қалъанинг харо-балари ҳозир 150x80 метр ҳудудда сақланган, холос. Аммо, энг банд нуктаси етти метрни ташкил этган қадимий деворлар ён-атроф-даги қўл қаватли уйлар, йўлнинг рўпара қисмида ян-гидан қурилган бежирим ту-рар-жойлар, замонавий офис-лар орасида барбери маҳо-батли, ҳайбатли қўриनावе-ради.


Айни кунда қалъанинг ба-ри янада гавҳумлашган. УзРФА Археология институ-ти етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Маргарита Филанович раҳбарлигидаги Тошкент отряди археологари

қалъадаги сарой вайронла-рида қазишма ишларини олиб боришди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий ме-рос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдала-ниш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси буюртмаси асосида қадимий қалъа харо-балари консервацияси учун имконият яратувчи қурилиш-ларни бажарётган таъмирчи-лар — «Фаёзтепа-Термиз» масъулияти чекланган жами-ят қурувчиларининг бу бора-даги тажриба ва малакалари етарлича.

— Қадимий обидаларни таъ-мирлашнинг ўзига хос хусу-си-ятлари бор, — дейди қурув-чилар сардори, реставратор Шухрат Хамидбоев.

Устанинг айтишича, қалъа харобалари ўраб олинадиган девор лой пахсадан қуриляпти. Бу эса пахса билан қалъа қолдиқларининг мутаносбли-гини таъминлайди. Сифат ва кўринишни бир-бирига яқин-лаштириш учун ҳатто девор



дан асралади.

Мингүриқнинг сўнгги девор-лари Тошкентнинг яна қанча-қанча юбилейларини кўрса ажаб эмас. Яна, ажаб эмас-ки, замонавий бинолар қури-шайдиган бу галати иншоотдан ҳайратланган болага онаси қалъа тарихи ҳақида гапириб берса. Тошкентнинг кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолмаган-лиги, унинг, ҳалқимизнинг та-рихи минг-минг йилларга бо-

бўлган тўй — шахримизнинг 2200 йиллик юбилейига ҳам барча ўзини дахлдор деб ҳис қилаяпти.

Собиржон ака бу дахлдор-ликнинг натижаларини санаб кетади. Уйлар атрофи ободон-лаштирилди, кўкаламзорлаш-тирилди. Болалар майдонча-лари таъмирланди, янги ўйин

мосламалари қурилди...

— Мана ҳозир турган жойи-миз — 7-Мироншоҳ кўчасида-ги уйлар ораллигидаги тўйхона ҳам таъмирланди, янги новвой-хона ва мева-сабзавот дўкони қурилди.

Тўғриси айтсам, новвойхо-на деганда кўз олдимизга па-сткамгина лойсувук хона ва унинг бир четига ўрнатилган тандир келади, шундай эмас-ми? Замонавий доқа-целларда пиширилган турфа нонлар сифатига гап йўқ, аммо ўзимизнинг тандир нонига нима етсин. Новвойхона эгаси Элшод Азимов-нинг кўнглидан бено пойдеворини қураёт-гандаёқ шу ўйлар кеч-гандир. Хуллас, қисқа муддатда новвойхона битди. Цех деворла-рига бош-оёқ оппоқ кафел ёпиштирилган, полларда чанг-ғубор кўрмайсиз, ҳамир қориш ускуналари, нон ясаш столлари топ-тоза. Ишқилиб, гир-атрофда озода-лик нафаси уфуриб турибди. Ҳатто но-ввойлар учун душ ва дам олиш хонаси ҳам бор.

— Новвойхонамиз дарагини эшитиб, кўпчилик кўриб кетапти, қурилиш учун андаза олишяпти. Бундай шароитда кўнглингиз яшнаб ишлайсиз, нонларимиз ҳам чиройли, ма-зали, тотиб кўрини, — дейди бош новвой Абдуллаҳад бир жуфт иссиққина патирини но-ввойхона олдидаги ўриндиқ-лар ёнидаги стол устига қўя-кан.

Иссиқ нон ҳиди фуради. Шундан тотли хид бормикан дунёда?! Оқсоқол нонни уша-тади. Кейин дуога қўл очиб «Илойим, бошимиз тўйдан чиқ-масин» деб яқунлайди. Энг маънодор дуою бу ўзбекининг. Зеро, тинч, осойишта юр-та, насибаси бутун элга тўйлар ярашади...

Шарофат
Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири


ДАХЛДОРЛИК

«Янги Миробод» — туманда-ги 39 маҳалладан бири. Ҳуду-дида жойлашган 11 та қўл қаватли уйда 1350 дан орт-қ аҳоли яшайди. Ана шу киши-ларнинг ҳаёти, ўй-ташвиш-ларидан маҳалла фуқаролар йи-ғини раиси Собиржон Толиб-жонов яхши хабардор. Маҳал-лада тўй устидан чиқиб қолдик.

— Хулқархон киз узатапти, — деди Собиржон ака. — Ма-ҳалламиздаги энг обрў-эъти-борли оилалардан бири. Фа-олларимиз хизматда. Тўйлар мавсуми бошланди-да. Олди-мизда ҳаммамиз учун умумий

харобалари тўпроғи таркиби ҳам ўрганилди. Қурилишнинг яна бир хусусияти — бу ерда замонавий техникаларни асло ишлатиб бўлмайти — обида-га зарар етиши мумкин.

Обида қолдиқлари пахса де-ворлар билан ўраб чиқилди. Худди қадимги замонлардаги-дек, пахсанинг хар жой, хар жойидан синчлар кўриниб ту-рибди. Деворнинг гир айла-насида обиданинг энг ба-ланд нуктасидан ҳам юқори-роққа буй чўзган ҳайбатли те-мир устунлар ўрнатилди. Хар бир устун бир неча метр қалинликдаги бетон таглик устига ўрнатилган. Лойиха-нинг навбатдаги ишлари — шу устунлар ушлаб турадиган конструкцияларга замонавий материаллардан айвон қури-лади. Шу тариха қадимий ёдгорлик табиат таъсирлари-



Бугунги кунда дунё кўпгина оғир ка-салликлардан батамом қутулган: Аммо янги-янги касаллик турлари хавф солиш-да давом этмоқда. Кейинги 5-6 йил ичи-да янги турдаги уч хил касаллик жаҳон

Шарҳ

дай ҳолат 40 йил аввал ҳам эълон қилин-ган эди. Яъни ўшанда «Гонгкор грип-пи» дунё аҳолисини эсанқиратган ва 1 миллионга яқин одамнинг ёстигини кўритганди. Аммо экспертларнинг фик-рига таяниб шуни аниқ айтиш мумкин-ки, бу сафар ҳолат бу даражада ачинар-ли тус олмайти. Негаки, биринчидан, А/ H1N1 вируси «ўртамиёна характерда»ги вируслардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ЖСТ давлатларо чегаралар ёпи-маслигини, одамларнинг давлатларо ҳаракати ва маҳсулотлар экспорт-импор-

ОЛТИНЧИ ДАРАЖАЛИ ХАВФ САҚЛАНИБ ТУРИБДИ

миқёсида «ўз кучини кўрсатди». 2003 йилда гайриоддий зотилжам касаллиги, 2004 йилда «парранда гриппи» дунёни «қалқитган» бўлса, бугунги кунда А/Н1N1 вируси одамзот ҳаётига жиддий раҳна солмоқда.

2003-2004 йилларда хавфли бу икки тур касаллик пандемия(катта ҳудудларга тар-қалган эпидемик касаллик)га айланмас-лиги учун жаҳон жамоатчилиги кенг тус-даги саяё-ҳаракатлар олиб борган ва офатни пандемия даражасига етказмай жилволаб қолган эди. Бу йил эса ундай бўлмади, гарчи, Жаҳон солиқни сақлаш ташкилоти дунёни оғоҳликка чақирган бўлса-да бу касаллик хуружи кенг тус олмоқда. Айни дамда А/Н1N1 вируси 92 та давлатга тарқалиб улгурганлиги ҳақидаги маълумотни Жаҳон солиқни сақлаш ташкилоти тасдиқлади. Дунё бўйича бу хасталикка чалинганлар сони 44 мингдан ортиб кетди. Ваҳоланки, ўн кун олдин, яъни 12 июнда касаллик 74 та давлатда қайд қилинган бўлиб, 29 минг 669 кишига вирус юққанлиги аниқ-ланганди. Ҳаётдан кўз юмганлар сони эса 145 нафарни ташкил этганди (Мек-сикада — 108, АКШда — 27, Канадада — 4, Чилида — 2, Коста-Рика, Колумбия, Доминикан ва Гватемалада 1 тадан), 18 июнда эса вирус 88 та давлатга тарқал-ганлиги ва касалланганлар 39 минг 620 нафарга етганлиги ҳақида ЖСТ маълум-от эълон қилди.

Офат ўчоғи Мехико шаҳри эканлигини барчамиз яхши биламиз. Бироқ касал-лик унга қўшни АКШда тезлик билан тарқалиб бормоқда. Жумладан, бир ҳафта аввал А/Н1N1 вируси юққанларнинг умумий сони 17 минг 855 нафарни ташкил этган бўлса, бугун улар 21 минг 449 ки-шига етиб турибди. Висконсин (3 минг-дан ортик), Иллинойс (2,5 мингдан ортик) ва Техас (2,5 мингдан ортик) штатлари энг оғир ахволдаги ҳудудлар тоифасига кирган. Касаллик ҳақто Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган узоқ Фижи оролига ҳам етиб боргани кишини яна-да сергаклантириши лозим.

Касаллик қамровининг бу қадар тез суратларда кенгайиб бораётганига асо-сий сабаб бугунги даврнинг ўта глобал-лашгани ва халқро сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий интеграциялаш-ганлидир. Шунинг учун ҳам Жаҳон солиқ-ни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чэн хоним ташкилотнинг фа-куллода кўмитаси экспертлари билан маслаҳатлашган ҳолда яқинда энг юқори — олтинчи даражали хавф эълон қилди. Бу пандемия ҳолатини билдиради. Бун-

ти тўхтатилмаслигини тавсия этди. Лекин пандемия жараёни узоқ давом эти-ши мумкин экан.

Халқро ген муҳандислиги ва биотех-нологияси марказининг Дехли бўлими микробиологари юқсаларига қараган-да, А/Н1N1 вируси кенг миқёсда қиргин келтирадиган «ўлат» эмас. Айни дамда бу касаллик оқибатида ўртача ўлим 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу одатдаги мавсумий грипидан 4 баравар юқори кўрсаткич. Аммо уни даволаш одатдаги мавсумий грип сингари осон, унинг юқиш жараёни ҳам одатдаги грип син-гари. «Парранда гриппи»да, яъни H5N1 вирусидан эса ўртача ўлим 60 фоизга тенг, лекин кишидан кишига юқмайди.

Иккинчидан, барча давлатларда касал-ликка қарши профилактик тадбирлар қу-чайтирилди. Масалан, Баҳрайн айнан шу мақсад учун 2,2 миллион динар (6 ми-лион доллар атрофида) маблаг ажрат-ди. Россияда эса касалликка қарши ва-кцина яратиш устида қизгин иш олиб боришмоқда. Ҳозир вирус штаммлари ажратиб олинган. Августдан вакцина тай-ёрлашга киришилди. Келгуси йил ян-варда эса 40 миллион доза вакцина тайёр бўлади. Қолаверса, 30 апрелдан бошлаб мамлакатга четдан кириб келаёт-ган фуқаролар мониторингини ўтказиш тад-бирлари олиб боришмоқда. Юртимизда ҳам кенг миқёсда тадбирлар амалга оши-рилмоқда. Жумладан, янги респиратор-ни инфекция профилактикаси ва касал-ликнинг республикамизга кириб келиши-нинг олдини олиш бўйича режа асосида алоҳида ишлар давом эттирилмоқда. Юқори малакали мутахассислар жалб қилинган штаб эса ишлаб турибди. Шун-ингдек, давлат чегаралари кесишган жойларда, аэропортлар ва темир йўл вокзалларида санитария-назорат пункт-лари иши янада кучайтирилган. Махсус асбоб-ускуналар ва дезинфекция воси-талари етарли.

Дарвоқе, шуни таъкидлаш лозимки, ви-русологларнинг айтишларича, А/Н1N1 вирусидан ҳозирча янги мутация жараё-нлари кузатилмаяпти. Аммо ҳинд мик-робиологларининг хавфсирашларича, А/ H1N1 вируси H5N1 вируси («парранда гриппи») билан қатнашиши ва янги штам-лар ҳосил қилиши, натижада янги офат ўчоқларини юзага келтириши ҳам мум-кин экан.

Лекин жаҳон миқёсида қурилайётган чора-тадбирлар аҳвол бу даражага ет-маслигига ишонч ўйотлади.

Алишқул СУЛТОНОВ,
шарҳловчи

МУАҚЧИЛИК ШАКАИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАЪБРАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:
Фарғона вилоят, Данғара туманидаги «Давлат солиқ инспекцияси биносини капитал таъмирлаш» ҚМИга.

Муддати — 01.10.2009 й.
Бошланғич нархи: — 86586385 сўм ҚҚС билан, — 72155321 сўм ҚҚСсиз
Буюртмачи: Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси.
Манзили: Фарғона шаҳри, Т.Қамбаров кўчаси,
31-уй, тел: 224-33-91, 224-68-02

Қурилиш-монтаж иш-лари Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат солиқ қўмитасининг ўз маблаг ҳисобидан мо-лиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажри-баси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қий-матининг камида 20 фоиз миқдорда ай-ланма маблагига (за-хирадаги қурилиш ма-териаллари билан бир-га) ёки бундай маблаг-ни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаё-қатли юридик ҳуқуқга

эга ва ишончли бўлиш-лари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилот-лари қатнашганда, уларнинг танлов так-лифларини баҳолашда мамлакатимиз пудрат-чиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигиндан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бе-риладиган танлов так-лифлари қатнашчила-рининг танлов таклиф-ларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча ра-вишда ҳисобга олина-ди.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўров-

нома билан савдо таш-килотчиси — Фарғона вилоят қурилишда тан-лов савдолари ва нархларни шаклланти-риш ҳудудий консал-тинг марказига қуйида-ги манзил бўйича му-рожаат қилиш мумкин:
Фарғона шаҳри,
К.Раҳимов кўчаси,
2-а уй, телефон/
факс: 224-18-71,
224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг нархи — 60 000 сўм.
Таклифлар (оферта-лар) савдо ташкилот-чиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилганда бошлаб ўн беш кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.



Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган суратлар.

«POYTAXT AUKSION» DUK 2009 YILNING 23 IYUL KUNI AUKTSION VA TANLOV SAVDOLARINI O'TKAZADI

Auktsion savdolariga Toshkent sh., Mirobod tumani, Shaxrisabz ko'chasi, 16-"a"uyda joylashgan «O'ZMEVASABZAVOTUZUM-SANOATLOYIHA» MChJ tasarrufidagi 1993 y. i/ ch, d/r 10AY017 bo'lgan «GA3-31029», boshlang'ich bahosi 2 000 000 so'm, zakalat 400 000 so'm va Shayxontuxur tumani, Uygur ko'chasi, Qizil Sharq tor ko'chasi, 107-uyda joylashgan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi «SIFAT» O'zbekiston paxta tolasini sertifikatlash markazining 1997y. i/ch d/r 10ARS94 bo'lgan «Damas», boshlang'ich bahosi 3 800 000 so'm, zakalat 760 000 so'm bo'lgan avtotransport vositalari qo'yilishini ma'lum qiladi.

Auktsion savdolari soat 11-00da boshlanadi. Mazkur avtotransport vositalari yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda navbatdagi xaftalarning payshanba kunlari o'tkaziladigan savdolariga quyiladi.
Tanlov savdolariga:
- eng yuqori sotib olish bahosini taklif etish;
- yangi ish o'rinlarini tashkil etish;
- sotib olish to'lovi va qo'shimcha investitsiya kiritishni qisqa muddatlarda amalga oshirish;
- atrof muxitini obodonlashtirish;
- shuningdek, har bir ob'ekt uchun belgilangan miqdordan kam bo'lmagan investitsiya kiritish

majburiyatlari bilan quyidagi ob'ektlar qo'yiladi:

1. Toshkent shahar hokimligining hududiy kommunal foydalanish birlashmasi tasarrufidagi Toshkent sh., Chilonzor tumani, 20 mavze, 197-uyda joylashgan, 1300 kv.m yer maydonidagi umumiy maydoni 3812 kv.m bo'lgan qurilishi tugallanmagan 9 qavatli yotoqxona binosi va inshoot. Boshlang'ich narxi 1 224 005 100 so'm, eng kam investitsiya miqdori 1 500 000 000 so'm, zakalat miqdori 244 801 100 so'm.

2. Toshkent shahar xokimligi Binolardan foydalanish departamenti tasarrufidagi Toshkent sh., Shayxontuxur tumani, Navoi ko'chasi, 3-uyda joylashgan, umumiy maydoni 286 kv.m bo'lgan 4 qavatli uy-joy binosining 1-qavatidagi noturarjoyning bir qismi. Boshlang'ich narxi 211 735 500 so'm, eng kam investitsiya miqdori 70 000 000 so'm, zakalat miqdori 42 347 100 so'm.

Tanlov savdosi talabgorlarining takliflari bildirilgan konvertlarni ochish va savdo o'tkazish soat 16-00da boshlanadi.

Mazkur ob'ektlar yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda 2009 yil 6, 20 avgust, 3 sentyabr kunlari o'tkaziladigan savdolariga qo'yiladi.

Savdolarida qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «POYTAXT

AUKSION» davlat unitar korxonasining ATIB «Ipoteka-banki» Shayxontuxur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 20210000004243151002 hisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi.
Buyurtma qabul qilish auktsion savdolariga savdo kunidan bir kun avval soat 18-00da, tanlov savdolariga savdo boshlanishidan uch soat avval soat 13-00da to'xtatiladi.

Savdo g'oliblariga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda etishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Savdolar o'tkaziladigan quyidagi manzildan qo'shimcha ma'lumotlar va tanlov xujjatlarini olish mumkin: 100060, Toshkent shaxri, Mirobod tumani, Amir Temur shoh ko'chasi, 16-"A" uy.

Aloqa telefoni 233-23-49, telefaks 233-23-40, elektron pochta P-A_DUK@mail.ru Shuningdek, o'tkazilgan auktsion savdolarida «Toshqishloq» OAJning d/r 89-48U3 tp-p bo'lgan «YH-053» rususlik traktor 1 840 000 so'mga sotilganligini ma'lum qiladi.

Тадбир

ВАТАНИМИЗ ОСТОНАСИ — МУҚАДДАС

Мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан 2003 йилининг 22 майда Ўзбекистон Республикасини Давлат божхона кўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янгида такомиллаштириш мақсадида Олий ҳарбий божхона институтини ташкил этилган эди.



Зhidulla Normurodov олган сурат.

Куни кеча Марказий Осиёда яна бугун ушбу олий таълим даргоҳида битирувчиларга диплом топириш ва уларни мустақил ҳаётга, хизматга қузатиш маросими бўлиб ўтди. Эрта тонгданок илм даргоҳи ховлиси битирувчилар, уларнинг ота-оналари, яқинлари, институт педагог жамоаси ва тантанга ташриф буорган меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан Давлат божхона кўмитаси раиси Садирахон Носиров ва бошқалар битирувчиларни кўтлаб, уларга мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч-фаровон ҳаётини таъминлашдек масъулиятни ишларида муваффақиятлар тилашди.

— Биз тўрт йил давомида устозларимиздан илм олдик, замонавий техник воситалар асосида божхона ишининг кенг қамровли қирраларини ўргандик, — дейди институтни имтиёзли диплом билан битирган сурхондарёлик Аслиддин Отакулов. — Энди олган билми ва кўникмаларимизни амалиётда қўллаб, халқимизга, ватанимизга сидқидилдан хизмат қиламиз.

— Телефон орқали ўғлим бизга диплом топириш маросими бўларкан, уни олган захотим ўзим уйга қайтаман, узок йўл, овора бўлиб келиб юрасизми, институтимиз томонидан йўланмани Сурхондарё вилоят божхона бошқармасига беришди, деб айтиб қолди, — дейди Аслиддиннинг онаси Зулфия Отакулова. — Онаман-да, йўл олислиги хаёлимга ҳам келмасдан етиб келдим. Ўғлимга божхона кўмитаси раҳбарияти томонидан диплом топирилаётганини кўриб, ич-ичимдан севиндим. Ватанимизга, халқимизга фойдаси тегадиган фарзандим борлигидан фахрландим кетдим.

— Мамлакатимизда ёшларнинг иктидор ва имкониятларини тўла намоён қилиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, — сўхбатимизга қўшилиди имтиёзли диплом соҳибаси тошкентлик Ширин Муротова. — Биз ўқиш даврида касбимизнинг қанчалик ноқилиги ҳамда муҳимлиги

тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Чунки, божхона — ватанимиз оstonасидир. Бу остонанинг поклиги, ундан ёвуз ниятли ҳамда фарасли кимсалар ўтмаслиги кўп жихатдан биз — божхоначиларга ҳам боғлиқ. Мамлакатимизга келаётган ҳар бир инсон биринчи навбатда божхона ходими билан мулоқотда бўлади. Унинг маданияти ва маънавияти, билми ва маҳоратига қараб Ўзбекистон ҳақида илқ таассуроти уйғонади. Бу эса бизга масъулият юклайди, доимо серғакликка чорлайди.

— Бу даргоҳда таълим ва тарбия бераётган устоз-мураббийларга барча ота-оналар номи-

дан миннатдорчилик билдириш, — дейди Шириннинг ёнидаги ўзини Зулфия Муротова деб таништирган аёл. — Шундай билимли, чет тилларни билладиган келиним борлигидан хурсандчилигимни яшира олмаппман. Эртага у албатта устозлари ишончини оқлайди.

Божхона хизмати лейтенанти уновонни олиб, ўз фаолиятини бошлашга отланаётган битирувчиларни қузатиш маросими «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи иштирокидаги тантанали байрам дастурига улашиб кетди.

Тоштемир Худойкулов, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хунармандчилик

ЧИННИ ЧЕРТИБ КЎРИНГ...

Наманган хунармандчилигида кулолчиликнинг алоҳида ўрни бор. Шаҳарда бугун ҳам кулолчилик сулолалари оз эмас. Улардан бири Мингчинор даҳасида истикомат қилувчи Нейматжон Солиев оиласидир. Нейматжон ака кулолчиликда ўз мактабини яратди. Республика Хунарманд уюшмасининг аъзоси сифатида қадимий анъаналар ва замонавий талаблар уйғунлигини таъминлаб, чинни буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Айни вақтда унинг оилавий устaxonасида 20 турдан зиёд 500 шартли дона зарҳалли чинни буюмлар тайёрланмоқда.

— Анъанавий сопол буюмлардан ташқари ўзимиз яратган

чинни идиш андозалари сони юздан ошди, — дейди уста кулол. — Маҳсулотларимизга ички бозорда талаб катта. Хозир нафис рангли зарҳал ва бўртма нақш билан безатилган катта гултуваклар ишлаб чиқариш ҳаракатидамиз.

Мустақиллик хунардан униб-ўсиш, барака топиш, кадр эъозода бўлиш имконини берди. Шунисиға минг бор шукр.

Халқимиз кулолнинг маҳсулотига чертиб, сасига қараб баҳо беради. Зеро, кулолчи яратган чинни идишлар жамланмалари ўзининг бетакрор нақшлари, нафис сайқали ва албатта жарангдор саси билан наман деган хорихий чинни маҳсулотлари билан бемалол беллашапти.

Ташаббус — 2009 кўрик-танловида энг яхши хунарманд номинатсияси бўйича соврин ҳам Нейматжон Солиевга берилгани бежиз эмас.

Носиржон Дехқонов, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хотам Мамодалиева олган сурат.

«НАСАФ»НИНГ КУТИЛМАГАН МАҒЛУБИЯТИ

Бу йилги мавсумда ўз олдиға жиддий мақсадларни кўйган «Насаф» футболчиларининг Муборақда очко йўқотишини ҳеч ким кутмаганди. Чемпионатнинг охириги турида Фарғонада 0:1 ҳисобида рақибига имкониятни бой берган «аждарлар» бу гал воҳа дербида «Машъал» билан очко бўлишигана муҳлисларни қаттиқ ранжитди.

Эътиборли жиҳати, учрашувнинг 61-дақиқасида Камолитдин Мурзоев мезбонлар дарвозабонини доғда қолдирган бўлса, орадан уч дақиқа ўтар-ўтмасдан собиқ насафчи Зафар Холмуродов ўртадаги мувозанатни тиклади — 1:1. Ҳар иккала жамоа аъзолари ҳам

ўйин охиригача қанчалик уринишмасин, учрашувада шу ҳисоб сақланиб қолди.

«Насаф»нинг Муборақ-

даги очко йўқотишидан «Олмалиқ» футболчилари унумли фойдаланишди. Охириги турда ўз майдонларида «Андижон» вакил-

ларини 2:0 ҳисобида доғда қолдирган олмалиқликлар учинчи ўринга кўтарилиб олдилар.

Навбатдаги 14-тур ўйинлари 25 июнь куни ўтказилди. Шу куни «аждарлар» ўз майдонларида Урганчининг «Хоразм» футболчиларини қабул қилишди. Агар сўнгги турда Вали Султонов шогирдларининг пахтакорчилардан очко олганини ҳисобга олсак, Қаршида хоразмликлардан ҳар қандай «сюрприз» кутиш



Урганчининг «Хоразм» футболчиларини қабул қилишди.

мумкин. Умуман олганда, мазкур тур кутилмаган натижаларга бой бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Аввалига «Шўртан»нинг ўз майдонида «Бухоро»га (2:4) имкониятни бой берганлиги, Самарқандда динамочиларнинг пойтахт темирйўлчилари дарвозасига жавобсиз беш тўп йўллаганликлари, пахтакорчиларнинг Урганчда «Хоразм» футболчилари билан дуранг (1:1) уйнаганиликлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Фарғонада Юрий Саркисян шогирдларининг «Металлург» жамоаси устидан катта қийинчилик билан (2:1) галаба қозонганиликлари ҳам турнинг кутилмаган натижаси сифатида эътироф этишга лойик.

Колган учрашуларда куйидаги натижалар қайд қилинди: «Бунёдкор» — «Навбахор» — 6:0, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 3:0.

Эркин ХОЛБОБОВ

ГЎЗАЛНИНГ ОРЗУСИ

— Астойдил интилган киши мақсадиға албатта эришаркан, — дейди эндигина ўн саккиз ёшға тўлаётган Гўзал Бағирова. — 2002 йилда тазквондо (ITF) билан шуғуллана бошлаганимда машқлар жуда мураккаб туюлган эди. Биринчи ўстозим Баҳрулло Аббосовдан бир умр миннатдорман. Унинг талабчанлиги ва меҳрибонлиги билан тазквондо сирларини ўргандим.

Дарҳақиқат, Гўзал мамлакат миқёсидаги кўтлаб мусобақаларда совриндорлар қаторидан ўрин олди. Ўзбекистон кубоги

мусобақасида жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Унинг келажақдаги орзулари катта. 18-ўрта мактабни тугатган Гўзал Бағирова Самарқанд давлат университети жисмоний тарбия факультетида ўқиб, тазквондо бўйича олий маълумотли мураббий бўлмоқчи, чемпионларни тарбиялаб вояға етказмоқчи.

Мамлакатимизда ёшлар ўз орзуларига етиши учун барча имкониятлар яратилган. Улардан фақат кунт билан ўқиш, сабр билан изланиш талаб этилади.



Суратда: Гўзал Бағирова.

Огоҳлик

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Моид» сураси 3-оятини каримасида «Ана, энди бузун ишнингизни камолига етказдим, неъматимни тамомла бердим ва сизлар учун Исломини дин бўлишиға рози бўлдим...» дея Ислам дини арқонларини мукамал этганини, дунёдаги инсонлар учун айнан уни дин сифатида танлаганини баён этади.

шиларимизга эътиборли бўлишимиз лозим. Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар динимиз борасидаги саволларига имом-хатиблиримиздан кенгроқ жавоб олсалар, ёт гоъларнинг олди олинган бўлади.

Яна бир эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳат, кўча-

ҚУТҚУ

ёки миссионерларнинг пуч ваъдалари

динининг душманлари ушбу ҳаракатни юзаға келтириш орқали мусулмонлар бирлигини парчалашни мақсад қилиб олган эдилар. Инсонлар ишончини қозониш, ўз сафини кенгайтириш учун эса барча илоҳий динларнинг асосини ташкил этган эъгуликлар, хайрли ишлар бош мақсад қилиб олинди. Мухтож оилаларға моддий ёрдам бериш, беморларни зиёрат қилиш каби амаллар орқали ишонч қозонадилар. Миссионерлик тарғиботи айнан ана шундай амаллар ниқоби остида содда кишиларни ширин сўзлар билан алдаб, ўз таъсир доирасига тортади. Бундан ташқари, улар ўқув марказлари, хорижий тилларни ўргатиш масканларини ташкиллаштириш орқали ҳам ўз фарасли мақсадларини амалға оширишға ҳаракат қиладилар. Афсуски, тушунчаси саёз, иродаси суст айрим кишилар уларнинг ёвуз мақсадидан беҳабар ҳолда тузоққа тушади. Чунки, улар ота-боболари динининг асл моҳиятини, ўзақ-негизини билмайди.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш ҳар биримиздан улкан масъулият, эътибор талаб этади. Биз динимиз кўрсатмаларида баён этилгани каби яқин кий-

кўйда, аҳоли гавжум жойларда миссионерлар томонидан тарқатилган китоблардир. Китобларнинг мазмун-моҳиятини тушунувчи юртдошларимиз бундай вазиятға гувоҳ бўлиб қолса, «Менга нима» қабилида иш тутмасдан, нима сабаб бу китобни тарқатаётганини сўраб-суриштира, унга муносабат билдиришса, қанчадан-қанча кўнгилсизликларнинг олди олинади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон заминида азал-азалдан диний бағрикенглик ҳукмрон бўлиб келган. Бу ўлка аҳолиси бошқа динларнинг эътиқод, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилган, улар билан асрлар оша ҳамжихатлик, бағрикенглик туйғуларини уйғунлашган ҳолда ёнма-ён яшаб келади.

Асрлар давомида бағрикенглик, тенгҳуқуқлик асосида яшаб келган бир бутун Ўзбекистон халқига айланган инсонлар ўртасида парокандалик, ишонсизлик туғдиришға ҳаракат қиладиган, орамизға кутку солаётган миссионерларнинг қабих ниятларидан огоҳ бўлалик. Уларнинг кирдикорига бефарқ бўлмайлик.

Нигора МИРЗАЕВА

ГАЗЖ «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №7, 2009 года на приобретение технологического оборудования по ниже следующему лотам согласно графику поставки (3-4 квартал 2009 года).

Лот №1. Камера дробеструйной очистки грузовых вагонов в количестве 1 единицы.

Лот №2. Камера окраски и сушки грузовых вагонов в количестве 1 единицы.

Лот №3. Краскоприготовительный участок грузовых вагонов в количестве 1 единицы.

Лот №4. Камера очистки и мойки грузовых вагонов в количестве 1 единицы.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЗЖ «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўленилгитаъмин», комната 410.

Телефоны: 237-94-72, 237-96-33.





Table with contact information for 'ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ' newspaper, including publisher, address, phone numbers, and subscription rates.